

Дунё ва охиратнинг ягона ҳокими



19:00 / 30.11.2021 1951

Аллоҳ таоло мусулмонларга хитоб қилиб, уларни бўлинмасликка, ихтилофга тушмасликка, ўзларидан аввалги ўтган аҳли китобларга ўхшамасликка чақиради. Бу ҳақда Ўз каломида шундай марҳамат қилади:

تَانِّيَبَلْاُمُهءاج اَم دَعَب نَم اَوْفَلَتْخَاو اَوْقَرَفَات نِي دَلَاك اُونُو كَت اَلَو
مِي طَعُّ بَادَعُ مَهَل كَلَّوْ اُو

Ўзларига очиқ-ойдин ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушганларга ўхшаш бўлманглар. Ана ўшаларга улкан азоб бордир (Оли Имрон сураси, 105-оят)

Яъни, «Эй мусулмонлар! Сиз ҳам ўзларига очиқ-ойдин оятлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушган яҳудий ва насороларга ўхшаб бўлиниб, ихтилофга тушманг. Ана ўшаларга ихтилофлари туфайли қиёмат куни улуғ азоб бордир».

دَعَب مُتْرَفَكَا مُهءوْخُو تَدَّوْسَا نِي دَلَا اَم اَف هُوْخُو دَّوْسَتَو هُوْخُو صَيَّبَت مَوِي
نَوْرُفَكَت مَتْنُنْكَ اَم بَادَعُ لْا اَوْقُو دَف مَكْنَا مِي ا

Юзлар оқ ва юзлар қора бўладиган кунда. Аммо юзлари қора бўлганларга: «Иймон келтирганингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирганингиз учун азобни тотиб кўринг», – (дейилур). (Оли Имрон

сураси, 106-оят)

Ушбу ояти карима қиёмат кунини ажойиб тарзда васф қилмоқда. Қисқа ва лўнда. Ортиқча бўёқ ҳам, беҳуда сўз ҳам йўқ. Қиёматга кимлардир оқ – ёруғ юз билан, кимлардир қора юз билан келадилар. Қора юз билан келганлар ўшанда итоб нидосини эшитадилар. Уларга:

«Иймон келтирганингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирганингиз учун азобни тотиб кўринг», (дейилур)».

Бу эса азоб устига азоб, юзларидаги қоралик устига баттар қораликдир.

نَوْدِلَاخَ اِهْيَا فَمُهَلَّلَا مَحْرِيْفًا مُهَوُّجُوْتَضَّيْبَانِيْدَلَا اَمَّاو

Юзлари оқ бўлганлар эса – улар Аллоҳнинг раҳматидадирлар. Улар унда мангу қолувчидирлар. (Оли Имрон сураси, 107-оят)

Ёруғ юз билан келганлар, албатта, бу дунёда қилган яхши амаллари, иймонлари туфайли беҳисоб ажру мукофотларга сазовор бўладилар. Энг муҳими, улар Аллоҳ таолонинг раҳматида абадий қоладилар.

Кейинги оятда Набий алайҳиссаломга хитоб қилиниб, у зотга Аллоҳнинг оятлари ўқиладигани баён этилади:

نِيْمَلَاغَلَّلْ اَمْلُطُ دِيْرِيْ هَلَّلَا اَمَّوْ قَحْلَابَ كَيْلَعَاوُلْتَنَهَلَّلَا تَايَا كَلْت

Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, уларни сенга ҳақ ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ оламларга зулмни ирода қилмас. (Оли Имрон сураси, 108-оят)

Яъни, «Бу оятлар, шубҳасиз, Аллоҳнинг оятларидир. Бошқа нарса эмас. Эй Муҳаммад, уларни сенга ҳақ ва адолат ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ одамларга зулмни хоҳламайди. У Зот беайб одамни жазоламайди. Гуноҳкорнинг азобини ошириб юбормайди. Яхшилик қилган банданинг савобини камайтириб ҳам қўймайди.

رُوْمُالَاغْخُرْتَهَلَّلَا لِيْلَاوِضْرَالَا يِفَاوَاتَاوَامَّسَلَا يِفَا مَهَلَّلَاو

Осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам Аллоҳникидир. Ва барча ишлар Аллоҳгагина қайтарилир. (Оли Имрон сураси, 109-оят)

Модомики, осмонлару ердаги жамики нарсалар Аллоҳники экан, уларни қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади. Бунинг устига, барча ишлар Аллоҳнинг Ўзига қайтарилади. Демак, бу дунё ва охиратнинг ягона ҳокими

Аллоҳнинг Ўзидир.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди